

ИШОНСН

Ушбу сонда:

2 НАЖОТ МАСКАНИ

3 ИМОРАТ ҚУРМОҚЧИМАН,
ҚЎШНИ?!

4 МАРФИНОНИЙЛАР

Спорт хабарлари

ТАЙМАЗОВ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон эркин курашчилари юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

120 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан курашчиларнинг финал баҳсида голиблик учун асосий даъвогар — ҳамюртимиз Артур Таймазов ва россиялик Курамагомед Курамагомедов ўзаро куч синашди. Беллашув давомида рақибни мағлубиятга уратган Ўзбекистонлик полков олтин медал ва жаҳон чемпиони, деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

Артур Таймазов бундан икки йил муқаддам ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам шохсупанинг энг юқори погонасини эгаллаганди. Ўша жаҳон чемпионатида олтин медал билан бирга 2004 йилги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритган ҳамюртимиз Афинада ўтказилган беллашуларда барча рақибларини мағлубиятга уратиб, Олимпиада чемпиони бўлган.

Шунингдек, Гуанчжоудаги жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик эркин курашчилардан Заурбек Соҳиев ҳамда Сослан Тигиев шохсупанинг учинчи погонасини эгаллади.

БОШ СОВРИН –

ҲАМЮРТЛАРИМИЗДА!

Фаргона шаҳрида ўсмирлар ўртасида Халқаро теннис федерацияси — ITF таснифига кирувчи аънавий халқаро турнир якунланди.

Ўғил болаларнинг яққалик беллашуларида истеъодли теннисчимиз Важа Узоқов бош соврин соҳиби бўлди. Мусобақада учинчи рақамда сараланган Важа финалгача ҳамюртимиз Эркин Карибоқовни 6:4, 6:3, россиялик Андрей Вейкутни 6:1, 2:6, 6:3, қозғистонлик Александр Лидзарни 6:2, 6:3, иккинчи рақамли теннисчи Сергей Беловни (Россия) 6:2, 6:1 ҳисобда мағлубиятга уратди.

Финалда В.Узоқов яна бир россиялик теннисчи Андрей Пожидаев билан куч синашди. Ҳамюртимиз 6:3, 4:6, 6:1 ҳисобда зафар қўчиб, турнир голиби бўлди.

Фарғонадаги халқаро турнирнинг қизлар ўртасидаги беллашувида ҳам чемпионлик ўзбекистонлик спортчидаги насиб қилди. Турнирда олтинчи рақамда сараланган ҳамюртимиз Александра Колесниченко Россиядан келган теннисчилар — Анна Рапопорт, Яна Киреева, Рената Бакиева, қозғистонлик Валентина Старкова ва қатор халқаро турнирлар голибаси Албина Хабибулина (Ўзбекистон) устидан зафар қўчиб, бош совринни қўлга киритди.

Александра Колесниченко жувтиқлар ўртасидаги беллашуларда қирғизистонлик Бермет Дуванова билан бирга голиб қикди. Ўғил болалар ўртасида россиялик дуэт — Сергей Белов ва Андрей Пожидаевга тенг келадигани топилмади.

ТАЛАБА-ҚИЗЛАР СПОРТ ФЕСТИВАЛИ

Ҳар томонлама ётуқ ва баркамол, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш давлатимиз юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Бу эса кўп жиҳатдан хотин-қизларнинг саломатлиги билан бевосита боғлиқ. Республика Хотин-қизлар кўмитаси Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этган талаба-қизлар спорт фестивалидан қўзғалган мақсад ҳам қизларни спортга кенг жалб этишдан иборат.

Илк марта ташкил этилган мазкур тадбирда пойтахтимиздаги йигирта олти оқил ўқув юртининг талаба-қизлари фаол иштирок этмоқда.


Фестивалнинг Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари институтида ўтган тантанали очилишига пойтахтимиздаги барча олий ўқув юртинларнинг талаба-қизлари, спорт мураббийлари, жисмоний тарбия ўқитувчилари, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар тақлиф этилди.

Талаба-қизлар спорт фестивали ҳам ана шундай оммавий тадбирлардан бўлиб, иштирокчилар уч кун давомида спортнинг энгил атлетика, стол тенниси, сузмиш, волейбол ҳамда баскетбол каби турлари бўйича куч синашди.

Таассурот

ни янада кенгайтиришни, жамоат таълим марказига халқ амалий санъатини ўрганиш истагида бўлган аҳолини кўпроқ жалб этишни дилмига тугиб қўйдим. Токи бой маданий меросимиз ҳар бир қўлда сайқал топсин.

Хамза РОЗИКОВ,
Сирдарё вилоят Мирзаобод туманидаги ЮНЕСКО таркибига кирувчи мактаб директори, мактаб қошидаги жамоат таълими маркази раҳбари



Сариосий туманида соатига 15 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга «Тўпаланг» гидроэлектрстанцияси қурилгани вилоят иқтисодий ҳаётида катта воқеага айланди. Унинг барпо этилиши учун беш йил вақт керак бўлди. Бундан уч ой бурун ГЭСнинг 2 та кичик агрегати тўлиқ ишга туширилди. Мазкур йирик иншоотнинг бунёд қилиниши учун давлат томонидан озмунча маблағ сарфланмади. Бу аҳоли ва ишлаб чиқариш корхоналарининг

Муаллим ҳақида сўзим ушбундир: Муаллим камолот ичра кўзгудир. Ўқидим Геродот тарихин кўп бор, Форобий, Дантени такрор ва такрор. Барини ўқидим, лол қолди ақлим, Барига устозсан ўзинг, муаллим.



СИЗ ҲАМИША ТАБАРРУКСИЗ, УСТОЗЛАР

Ҳақиқатдан ҳам севимли шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек, муаллим деганда кўз ўнгимизда бегубор болалигимиз, мунис ва меҳрибон, қалбидарё ўқитувчиларимиз гавдаланади. Ким бўлмайлик, ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўчмас из қолдириб мурғак тасаввуримизни маърифат, эзулик нури билан ёритган биринчи муаллимларимиздир. Бу улғ инсонларни эъзозлаб, ҳурмат билан «устозлар» деймиз.

Устоз эса отадек улғ, онадек меҳрибон. Уларнинг заҳматли меҳнатлари туфайли бугун тафаккур гулшанимиз обод, ризқимиз улғ, номимиз бутун. Ўқитувчилар ва мураббийлар кунни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Барча гўшаларда ана шундай фидойи, азиз инсонларга бағишлаб «Таъзим, сизга, устозлар», «Авлодлар учрашуви» каби байрам тадбирлари уюштирилиб, фидойи зотларга самимий эҳтиром кўрсатилди.


Пойтахтимиздаги 205-мактабда бўлиб ўтган «Сиз ҳаммиз табарруксиз, устозлар» деб номланган байрам тадбири ҳам ўқитувчилар қалбидан ажиб туйғуларни уйғотиб, хотираларида узоқ вақт қоладиган бўлди. 6 «Б» синф ўқувчилари синф раҳбарлари Зулфия Маҳмудова бошчилигида тайёрланган байрам дастури мактаб муаллимлари учун энг яхши совға бўлди. Тадбирда ўғил-қизлар ўқитувчилар мадҳ этилган шеър-қўшиқлар катори жозибали рақслар ва турли кўнгличор ўйинлар на-

электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида маблағ аямаслигидан далолат.

Аср қурилишини амалга оширишда Абдуғани Сангинов бошчилигидаги «Тўпаланг ГЭС қурилиш» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари ҳамда Республика қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тасарруфидоги бир қатор қурилиш ташкилотлари ишчи-хизматчилари катта жонбозлик кўрсатишди. Уларнинг қизгин сайҳаракати натижасида 2 та кичик агрегат республиканинг ягона электр тармоғига уланди. Мазкур иншоот истеъмолчиларга йилга 70 миллион киловатт соат электр энергияси етказиб беради.

Ҳа, «Тўпаланг» ГЭСи воҳа халқининг кўп йиллик орзуси эди. Истиқлол шарофати билан бу орзу чин ҳақиқатга айланди.

**Т.ШЕРНАЕВ,
«Ишонч» мухбири,
И.ҲАСАНОВ
олган суратлар**



АСР ҚУРИЛИШИ



Тадбир

дан гўзал шеър ва қўшиқлар, дилрабо рақслар уларнинг ўқитувчилари берган таълим-тарбия натижаси эканлигига иқрор бўлиб, захматкаш касб эгаларига ўз миннатдорчиликларини изхор этишди.

— Яқинда акам ўқиб бердилар. Улғ Исқандар устози Арастуға алоҳида хурмат-эҳтиром кўрсатади. У устозига бўлган ҳурмати боис Арасту туғилган шаҳар аҳолисини қўлқидан озод этган экан, — дейди тадбирнинг фаол иштирокчиси Ҳикматилла. — Мен ҳам устозларимни жуда яхши кўраман. Уларга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан. Чунки устозлар бизга фақат тўғри йўл кўрсатадилар, билмаганимизни ўргатадилар.

Республикаимизда бўлган

КОНЧИЛАР ШАҲРИ — 60 ЁШДА

Геолог олимлар чиннигил излаётиб, тасодифан кўмир қатламга дуч келгунларига қадар Ангрэн дарё водийсининг кўнғир кўмирга бой эканини ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Шундан кейин орадан кўп вақт ўтмай, геолог Георгий Чикризов раҳбарлигида кенг қўламли геология-қидирув ишлари олиб борилиб, водий бағрида йирик кўмир кони очилди.

1941 йилга қадар Ангрэн шаҳри ўрнида 70 хонадонли Жигиристон қишлоғи бўлар эди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ангрэнда саноат қурилишининг авж олиши инобатта олиниб, Тошкент вилояти таркибида 1946 йилнинг ёзида Жигиристон қишлоғи негизда Ангрэн шаҳри ташкил этилди.

— Шаҳарнинг илк саноат корхонаси бўлиши 1-шахта 1941 йил сентябрида ишга тушган — деб эслайди фахрий шахтёр Туроб Фозилов. — Аҳоли эҳтиёжини қондириш мақсадида янги шахталар қурилиши кўмир қазии саноатининг жадал ривожланишига олиб келди.

Ангрэн кўмир саноати корхоналарининг замонавий, серурум техникалар билан таъминлиниши туфайли 1953 йилга келиб Ангрэн Урта Осиё бўйича қазиб олинаётган кўмирнинг 40 фоизини берди. Шаҳарда кўмир қазии билан бирга, саноатнинг бошқа тармоқлари ҳам илдам ривожланди, янги замонавий саноат корхоналари бунёд этил-

ди. Чунончи, 1949 йили нон заводи ва гўшт комбинати, кейинроқ брикет фабрикаси, тош майдалайдиган завод, оҳак тайёрлаш корхонаси бунёд қилинди. Арзон маҳаллий энергетика бойлиги асосида Урта Осиёда биринчи юқори босимли Ангрэн иссиқлик электр станцияси қурилиши натижасида шаҳарнинг саноат корхоналари-ю ангрэнликлар хонадонигина эмас, балки атрофдаги қишлоқлар ҳам электр нуридан баҳраманд бўлди.

1961 йили шаҳарда йирик цемент заводининг ишга туширилиши туфайли республикада ушбу қимматбаҳо қурилиш хомаъси тайёрлаш ҳажми икки баравардан зиёд ортиди. Бугунги кунда керамика, резина буюмлари корхоналари ишлаб турибди. Шаҳарнинг келгусидаги режалари катта. Аввало, Ангрэн фахри бўлган кўмир қазии соҳаси янада кенгаймоқда. Ҳозирги кунда Ангрэн разрезининг йиллик кўмир қазии ҳажми 12 миллион тоннага етди.

Йўлингиз тушиб кончилар шаҳрига борсангиз, унинг марказий қисмида қад кўтарган салобатли ҳайкалга кўзингиз тушади. Кўмир конини очган машҳур геолог Г.Чикризов шарафига ўрнатилган бу ёдгорлик шу кунларда ўзининг 60 йиллик санасини нишонлаётган Ангрэн шаҳрининг фахрий қаҳрамони рамзи янглиғ эъзоз топмоқда.

А.АКБАРОВ

Етти йилдики, мактабимизда «Истикбол зийси» жамоат таълими фаолиятини йўлга қўйганимиз. Унда ўқувчи-ўшлар билан биргаликда ҳудуд аҳолиси ҳам миллий хўнарамандчилигимиз, зардушлик, қаштачилик сирасорларини ўрганишяпти.

Бундан олти йил илгари Осиё ва Тинч океани давлатлари ЮНЕСКО офиси норасмий (APREAL) таълими бош экспорти жаноб Кичи таълим даргоҳимизда бўлиб, амалга оширилётган ишларимизга юксак баҳо берди. Мактабимизнинг ҳар ойда бир маротаба чиқариладиган газетаси билан танишди.

Этиборга молик воқеа шу йилнинг август ойида юз берди. «Жамоат таълим марказлари ва тармоқлари орқали

минар иштирокчилари, Матсумото университети талабалари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари, аҳолининг кенг қатлами ишларимиз билан та-

ҒУРУРГА ТЎЛДИК

жамиятни ривожлантириш мавзусидаги ЮНЕСКО ўқув машғулотлари Японияда ташкил этилди. Ана шу анжуманга мени ҳам тақлиф этишди. 15 дан ортиқ давлат вакиллари қатори ўз иш тақрибимиздан намуналар намойиш этдик. Айниқса, Матсумото шаҳридаги кўрағамизда нафақат се-

нишди. Миллий андоза-ю, услубимизга тан бермаган қолмади ҳисоб. Айниқса, Бухоро зардушлик санъати услубидаги тўн кўнчилигининг хайратини оширди. Ҳатто уни халиф қилиб ўз юртига олиб кетиш истагида бўлган талабгорлар кўп бўлди. Етти кунлик сафар давоми-

да аждодларимизнинг бизга қолдирган мероси — хўнарамандчилигимизнинг қадди-ю, қадри баландлигини ҳис қилиб турдик. Ахир

дунёни лол қолдиришга қодир халқ амалий санъатини қодирлар гурунлармай бўладими.

Сафардан ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги жамоат таълим маркази бўлиб бошлиги Корена Мусабоева билан қалбимиз ғурурга тўлиб қайтдик. Бу йўналишдаги ишларимиз-

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ЯНГИ БИНОЛАРДА

Истиқлол йилларида туман халқ таълими йўналишида улкан ўзгаришлар рўй берди. 17 та умумтаълим ва битта ихтисослаштирилган мактабда беш мингдан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Ешларга зий тарқатиш йўлида беш юз нафардан ортиқ педагог астойдил меҳнат қилаяпти.

Тожикистон Республикаси билан чегарадош Қўшқанд қишлоғида 210 ўринли янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.


Мактаб замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Айниқса, таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим самарадорлигини оширишга қаратилган «2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури» қабул қилинган, ишлар янада жонланиб кетди. Амир Темура, Хамид Олимжон, Ж.Усмонов номли мактаблар капитал таъмирланган бўлса, Ф.Хўжаев номли 14-мактаб

капитал реконструкция қилинди. Пастай Саринч қишлоғида болалар спорт мажмуаси ишга туширилди. Туман марказида эса болалар спортини ривожлантириш жамағармаси ҳисобидан 212 миллион сўмлик янги спорт биносининг сўнгги қурилиш ишлари олиб борилаётганда. 1-, 3-, 4-, 14-мактабларнинг химия, биология, физика ўқув лаборатория хоналари жиҳозланганига 42.932 минг сўмлик маблағ сарфланди. Ҳозирги кунда Пучугой

қишлоғидаги 2- Ҳўжамушкент қишлоғидаги 5-мактабларда капитал таъмирлаш ишлари поёнига етказилди.

2006-2007-ўқув йилида ҳам бу ишлар давом эттирилиб, 7-, 10-, 17-мактабларда капитал таъмирлаш, 15-мактабда капитал реконструкция ишлари олиб борилади.

И.ИСРОИЛОВ,
Янгиобод туман халқ таълими бўлими мудир



Янгибозор туманининг Чўболончи қишлоғида яшовчи Муслима Матсафоевани элдошлари Фидойи ўқитувчи сифатида яхши танишди. Иzzат-хурмат қилишди. Муслима опа мана 30 йилдирки бешларга таълим-тарбия бериб келяпти. Хар бир ўқувчининг дардини ўзиники деб ҳис қилади. Шунинг учун ҳам шоғирдлари Муслима опани ўзининг сирдоши деб билади. Опа ҳам уларга қўлидан келган ёрдамни аямайди.

Муслима ўқувчилик кезларида адабиётга ихлос қўйди. Хоразм давлат педагогика институти (ҳозирги УрДУ) талабаси бўлганида ҳам китобдан айро бўлмади. Ўзбек, ҳаёт адабиёти вакилларининг шоҳ асарларини кунт билан мутлола қилар. тонг отгандагина унинг хонасида чирок ўчарди. 1976 йилнинг кузида тумандаги 12-ўрта мактабда она тили ва адабиёт фанидан ўқитувчи бўлиб фаолиятини бошлади. Муаллима биринчи навбатда ҳар бир ўқувчи билан яқиндан тил топишиб ишлашни бош мақсад қилиб қўйди. Уларнинг адабиётга янада яқинроқ бўлишини истади, сўз санъати дурдоналарига муҳаббат

Ишонч туйғуси ғайрат ва шижоатга ундайди

руҳида улғайтирди. Эл-юрт эъзоси адабиёт муаллимига бўлган ишончи кучайтирди. Уни тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлигига тавсия этишди. Бу ишонч елкасига масъулият ва зифасини, янада кўпроқ ишлари бurchини юклатди. Фаолият давомида кўпроқ ота-оналар билан суҳбатлашишга, ўқувчиларнинг бўш вақтларини фойдали юмушларга йўналтиришга жазм этди. Ва... бунинг уддасидан чиқ-

ижобий натижа кўрсатганида, яъни мактаб ўқувчилари биринчилар қаторида тилга олинганда, битирувчиларнинг бир йўла ўндан зиёди олий даргоҳларга ўқишга кирганида устоз кўзларида кувонч порлади. 12-умумтаълим мактабидан 680 нафар ўқувчи билан бераётган ўқитувчиларнинг аксарияти Муслима Матсафоевани шоғирди ҳисобланади. Шуниси қувонarliки, ўтган 2005-2006 ўқув йилида ушбу

мактаб битирувчиларидан 18 нафари олий ўқув юртиларига ўқишга кирди. — Ҳамкасбларимиз М. Матсафоевани иш тахрибасини ўрганяпти, — дейди Янгибозордаги 10-мактабнинг адабиёт ўқитувчиси Икром Бобо-

Дарс — ўқитувчининг имкони саналади. Камина тумандаги кўплаб ҳамкасбларнинг дарсларини кузатганман. Муслима опанинг дарс жараёнидаги усулидан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Унинг мафтункор нуқти, юксак маданияти бошқаларга ибрат бўла олади. Ўқувчилар мустақил фикрини бадий талқин қилиш, уларнинг фаоллиги, меъёрдаги илмийликка эгалиги давлат таълим стандартларига тўла жавоб беради. М. Матсафоева мактабда ўқув тарбия ишларини яхши олиб бориш билан бирга катта оила бекаси, меҳрибон она, вафодор умр йўлдоши, суюкли келин ҳамдир. Унинг меҳнати бесамар кетмади. Ўтган йили Президент Фармонида кўра Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими унвони билан тақдирланди. Бу ишонч туйғуси янада ғайрат ва шижоат билан ишлашга ундайди!

Пўллат БАХТИЁРОВ

ЎСИМЛИКЛАР МАЛИКАСИ

Маданий ўсимликлардан бири бўлган қовоқ инсониятга кўпдан бери машум. Бу шифобахш ўсимлик турли китъалардаги барча халқларнинг ошхонасидан жой олган бўлиб, уни эски ва янги дунёда бирдек эъзозлашган. Қадимги мисрликлар, хитойлар ва ҳиндлар ҳам қовоқ еттиштиришган. У АҚШнинг жанубий-ғарбидидаги қадимги ғорлардан, Перу ва Покистон даҳмаларидаги қолдиқлар орасидан ҳам топилган. Абу Али ибн Сино ўз асарларида қовоқнинг инсон соғлиғи учун аҳамиятини баён этган. Хитойнинг қадимги кўлёмаларида қовоқ «ўсимликлар маликаси» деб таърифланган.

Қовоқ Шимолӣ Америкадан Европага Колумбинг кemasида олиб келинган. Шу тарихда бошқа мамлакатларга тарқалган. Бугунги кунда Антарктидадан бошқа жойларда бу туйимли सबзавот мавжуд. Америкаликлар эса ҳар йили 30 минг гектарга майдонга қовоқ экадилар.

Қовоқ таркибидидаги оксиллар, витаминлар, ферментлар, тузлар, ёғлар уйғун бирлашганини туйфайли у осон ҳазм бўлади ва тез сиғидаи. Шу боис қовоқ каттаю кичикка парҳез тасоҳ бўлсанади.

Қовоқдан таом тайёрлашнинг турли усуллари бор. Масалан, Францияда қовоқ палаго ҳам оват. Кўм-кўк палак учини кесиб олиб, тозаланади ва тузли сувда пиширилади. Қарабискии, мазаси сарсобилини эслатувчи зўр таом пайдо бўлади. Мана 150 йилдирки, қовоқнинг асосий дориворлик хусусияти унинг уруғларида эканлиги айтиб келинади. Зеро, қовоқ уруғи ва унинг мойида оқсил миқдори кўп бўлиб, кўнабоқар пистасидан устун туради.

Бу машур सबзавот шарофига байрам ва тантаналар ўтказиш яхши аънаънага айланган. Масалан, Голландияда ҳар йили кузда қовоқ сайли уюштирилади. Эртан кизикоманлари аравачаларда қизғиш, йўл-йўл ва холдор қовоқларни олиб юришади. Австрияда эса нишонланадиган қовоқ байрами кўна аҳоли меҳмонларни қовоқ таомлари билан сийлашади. Буюк Британияда эса қовоқ мусобақалари ташкил этилади. Бу тадбирдан тушган фойданинг ҳаммаси шахар тез тиббий ёрдами жағғармасига ўтказилади.

Ақбар АЛИЕВ

Марғилон шахрининг тарихи Искандар Зулкарнайн даврига бориб туташиди. Бу ҳақда халқ ўртасида шундай нақллар ҳам айтылган: Эмишқи, Искандар Урта Осий шаҳарларини забт этган, Марғилон ичкарисига ҳам кирган. Бу ернинг оқсоқоллари Искандар хузурига нон билан товук гўштини пошқаш қилиб чиқадилар. Шунда Искандар бу нима деб сўраганда, мезонлар «Мурғи нон» деб жавоб беришган. Шунда Искандар таомдан татиб, бу ернинг номи «Мурғи нон», — деб фармон берган экан. Албатта, Марғилон шахри ҳақида айтилган бу гаплар афсонадан бошқа нарса эмас. Шундай бўлса-да, негандар мана шу иборатга ишонинг келсин. Зеро, Искандарнинг лашкар тартиб Марғилон музофотида келгани тарихий ҳақиқатдир.

Марғилон бундан 2 минг йил аввал ҳам катта шахар бўлганини ҳақиқда айрим араб ва форс тарихчилари, Хитой солномачилари томонидан айтилган баъзи қайдлар мавжуд. Бундан 1100 йил аввал ўтган, 884 йилгача Марғилонда яшавчи фихқ илми бўйича машхур асар ёзиб қолдирган Ҳасан аш-Шайбонийнинг «Жомийус-сағийр»ни бизгача етиб келган. Бу олим исломдан аввалги туркий халқлар шарияти бўйича ёзилган шаръий тадқиқотларни ҳам яхши билган, шунингдек зардуштий шариятларини ҳам беш қўлда билган.

Бугунги кунда бизга маълум ва машхур бўлган буюқ фикшунос олим Бурхониддин Марғинойий ўзининг «Хидоя» деб номланган нодир асарини худди шу олим Муҳаммад Ҳасанининг «Жомийус сағийр» асарига суяниб туриб яратган. Умуман, XII аср бошларига туркий халқлардан чиққан фақшунос олимларнинг етуғи асосан икки кишидир. Уларнинг бири Муҳаммад Шайбоний бўлса, иккинчиси XI асрларгача яшаган Абул Ҳасан Кудурийдир.

«Хидоя»ни яратишда XI аср бошларида яшавчи фихқга оид «Мухтасар» деб номланган асар ёзган Аҳмад ибн Муҳаммад Кудурийдан ҳам кенг фойдаланганлиги айтилади. Буни Бурхониддин Марғинойий шундай изоҳлайди: «Кўп изланишлардан сўнг Кудурий мусонифотида оид жуда гўзал, пухта ёзилган «Мухтасар» номли китобни кўлга киритдим. Уша даврда арқони олийлар «Жомийус сағийр»ни ёдлашга ҳамма-ни тартиб етишган. Мен Кудурий ва Шайбоний асарларини бирлаштириб, бир китоб ёзишга қарор қилдим. Ва бу китобимнинг номини «Бидоятул мубтадиъ» деб атадим.

Муҳаммад Абдулҳай Лакнавийнинг «Мифтоҳус саодат»нда айтилишича, Бурхониддиннинг бу китоби 80 жилдан иборат бўлган. Албатта, бу кўп жилли китобларни кўтариб юриб, ундан фойдаланиш жуда махол. Шу боисдан олим, ўша давр зиялиларининг талаби билан қисқартирилган бир китоб ёзишни ўз олдига мақсад қилиб, «Хидоя» номли бошқа бир асар яратди. У даврларда биригина шарият қонунари бўйича 20 га яқин «Хидоя»лар яратилган эди. Ана шу аънаълардан келиб чиқиб, Бурхониддин Марғинойий ҳам «Кифоятул Мунтаҳ» деб аталган китобини «Хидоя» номи би-

дан, Абу Фаррос Фасоний ўзининг «Фавоидул баҳия» китобида унинг Имодулдин, Низомуддин ва Жамолуддин номли уч ўғли бўлганлиги маълум қилинади. Бу ўғилнинг бири ҳам фихқ илмини отасидан ўрганиб, шарият бўйича катта китоблар ёзганлар. Жумладан, олимнинг катта ўғли Имодулдин «Одобул қозим», Низомуддин эса «Жавохирул фихқ» номли китоблар ёзган маълум.

Амир Темури ҳақида ёзилган «Ал-аҳойиб ад-мақдур фи ахбори Темури» асариди Бурхониддиннинг бир неча набиралари бўлиб, улар ҳам Марғилонда яшавчи, фихқ, муҳаддис, муфассирлик илмлари бўйича тадқиқот ёганлиги қайд этилади.

Бурхониддин Марғинойийнинг учала ўғли ҳам отасидан кейин турли жойларда шайхулисломлик ва зифаларида ишлаганлар. Уларнинг шахраи силсилалари теуирийлар даврида ҳам давом этиб, шайхулисломлик ва зифасини бошқариб турганлар. Бу ҳақда «Самарқандлик буюқ аълумалар» китобида ҳам баъзи маълумотлар учрайди.

Бурхониддин Марғинойий биргина «Хидоя» китоби билан машхур бўлиб қолмай, шарият қонунарига оид бошқа бир қатор китобларнинг ҳам муаллифи дур. У бир қанча қўланма ва тавсия китобларини яратган. Масалан, «Маънабинг тарқалиши», «Ҳаж маросимлари», «Мерос ҳуқуқи», «Илми орттирувчи манбалар», «Бошловчи ва битирувчилар учун дастлабки ва тугал таълим» каби тадқиқотларни ҳам яратган. Бирок бу китоблар тўлиқ ҳолда бизгача етиб келмаган. Алломанинг

Гамильтон уни инглизчага ўйрган эди. 1893 йилда эса бу асар рус олими Н. Гредиков томонидан 4 жилдик қилиб русчага таржима қилинган.

Марғинойийларнинг ханафий маъзаби бўйича тарқатган фаволаи бутун Шарқ мамлакатлари бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, бу ерларда яшаган ҳукмдорлар ҳам «Хидоя» китоби ҳақида мукамал маълумотларга эга бўлган. Фирқимиз исботи учун хинд исломшуноси Азиз Аҳмад «Хиндистонда яшовчи мусулмонлар тарихи» ҳақида махсус асар ёзиб, ханафий маъзаби Хиндистон бўйича XIV асрларда Гибсиддин Тўлук давридаёқ шаклланиб улгурганини айтиди. Чунки, Гибсиддин Тўлук ҳамда унинг ўғли Муҳаммад Тўлуклар ҳам «Хидоя»ни жуда чуқур ўрганган, уни давлат тугимларида кенг тартиб қилишган.

Хинд дийерини XVI аср бошларида забт этган бобурийлардан Аврангзеб Оламғир ҳам 4 жилдан иборат ислом кодексини яратиб, унга «Хидоя»ни асос қилиб олган. Катта ҳажига эга бўлган бу асар кейинчалик XIX аср охириларида Лакнауда урдучага ўйрилиб, чоп этирилган. Бу китобнинг бир қанча форса вариантлари Ўзбекистонда ҳам сақланиб келинмоқда. Бобурий ўзи эса «Бобуронома»нинг бир саҳифасида Туркистондан чиққан алломалар орасига Бурхониддин Марғинойийни ҳам қўлади.

Марғилон кенгиларида жуда кўп саргондор бўлган шоҳ ва шоҳи Бурхонномада бу шахар ҳақида шундай деб ёзади: «Яна бир Марғинойид, Андижоннинг ғарбиди-

«Хидоя» асарига марғилонлик олимларгина эмас, балки бутун Шарқ уламолари турли йил ва саналарда эликдан ортиқ шарҳлар боғлаганлар. Бу шарҳларнинг энг афзали Мақсудхожа ибн Мансурхожа томонидан ўзбек тилига ўйрилган «Мажмаул мақсад» китоби бўлиб, у 1917 йилгача бир неча мартаба тошбошмада китобат қилинган.

«Мухтасарул виқоя» деб аталган иккинчи бир шарҳ 1994 йилда «Чўлпон» нашриётида нашр этилиб, ундан буёнги китобхоналаримиз ҳам фойдаланиб бўлиб келмоқдалар. Бурхониддин Марғинойийнинг «Хидоя» асарини турли давлат тилларига таржима қилинган. Абу Райхон Беруний номидида Шарқшунослик институти хазинасида XVIII-XIX асрлар оралиғида таржима қилиниб кўчирилган кўлёмалар аначина. Жумладан, бу асарни хинд олими Яхё Бахорий 1808 йилда арабчадан форсчага таржима қилган бўлса, ундан олдинроқ 1791 йили инглиз шарқшуноси

дур. Андижондан етти йиғоч йўлдур. Яхши қасаба воқеъ бўлур. Бир жинс анор бўлибтур, пурнеъ-мат. Анори ўрғи асру кўп ва ҳуб бўлур, «донои калон» дерлар, чуб-чуқлиғида зардолу майхушлугидин андак чошни бор. Симнон анориға таржих қилса бўлур. Яна бир жинс ўрик бўлурким, данагини олиб, ичига мағз солиб қуртурлар, «суб-хоний» дерлар, бисёр лазиздур. Ови куши яхшидур, ок кийик ёвуқта бўлур. Эли сартдур ва муштзан ва пушару шўр элду. Жангарлик расми Мовароуннахрда шойиъдур. Самарқанд, Бухорода номдор жангарилар ақсар Марғинойийдур. «Сохиби Хидоя» Марғинойий Роишонд отлиғ кентидандур».

Бобур тилга олган Рошидон Бурхониддин кўз очиб кўрган жонажон қишлоғидир. Шу боисдан ҳам унинг нисбасида Рошидон Марғинойий тахаллусидан олдин келди. Улуғ алломанинг «Хидоя»си ислом шариятлари бўйича бир неча мусулмон мамлакатларида асосий қўланма бўлган. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам то 30-йилларгача шарият қозилиги бекор қилиниб, суд тизими жорий қилингунча амалиётда қўлланиб келинган. «Хидоя» асари, жумладан, Қоҳирада, Афғонистон ва Хиндистондаги дорулфунунларда талабалар дастурига киритилиб, хануз ўқитилиб келинмоқда. Шу боисдан ҳам бу китобга тарихда жуда кўп шарҳлар битилган. Урта асрда ўтган Ал-Ҳаддод номи билан машхур бўлган олим шундай дейди: «Мусулмонлар ўртасида машхур бўлган Муқаддас Мусхаф барча динларни қанчалик эътиборсиз қолдиргандай бўлса, «Хидоя» ҳам фихқ илми бўйича ёзилган барча китобларни ортда қолдириб кетди». «Хидоя»га шарҳлар ёзиб, унинг ҳошияларига янги фикрлар тиркаган Абдулҳай Лакнавий Бурхониддин Марғинойийнинг китобини шундай изоҳлаган: «Мен «Хидоя»ни, унинг шарҳларини ва «Мухторобун навозил» билан ўқиб чиқдим. У ёзган «Хидоя» мақбул ва ишонарлидир».

Бу асар ҳақида айтилган қатор фикрлар шунки кўрсатадики, ҳуқуқшунос, муҳаддис, муфассир, барча фани улаштириб, ўрганган иқтидорли устод, зоҳид, муттақий, маҳорат ва фазилатлар эгаси, илму адабда мисли қирилмаган адиб, шоир, илмул хилоф ва маъзаб соҳалари бўйича юксак салоҳиятга эга бўлган Бурхониддин Марғинойий ислом оламида жуда катта из қолдирган. У VIII асрдан буён дунё ҳуқуқшунослари эътиборига тушган алломанинг Марғилон шахрининг 2000 минг йиллиги туйи арафасида бу ўлкада етишиб чиққан алломаларнинг номини, асарларини деб этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Махмуд НАЗАРОВ, филология фанлари номзоди

МАРҒИНОИЙЛАР

дөнғизи» номли китоби билан машхур бўлган ибн Мазаа, «Фавола» ҳақида китоб ёзиб, бутун Шарққа танилган Зоҳириддин Умар каби йирқи фихқшунослар ҳам Бурхониддин Марғинойийнинг номини яхши билган ва асарларида уни қайд этганлар. Кейинчалик Бурхониддиннинг фихқ соҳасида бу устозларининг барчасидан ўтиб кетди. Кўриниб турийдан ҳам кенг фойдаланган Марғинойийлар соҳасида XII асрга келиб, бутун ислом тарихида катта мартабага эга бўлган «Хидоя»дек буюқ асарнинг юзага келишига сабаби бўлди.

Албатта, буюқ олим «Хидоя»ни яратишда фақат юқоридида келтириб ўтилган икки асарга асосланиб китоб яратган эмас. У шарият қомусини яратишда ўша қадар бўлган барча муктасар асарларни ўқиб чиққан. Жумладан, исломшунослик оламини даърийлар машхур бўлган фикшунос олимлар имоми Аъзам, имоми Молик, имоми Шофъий, имоми ибн Хаббалларнинг мўтабар асарларини бирма-бир ўқиб, унга ўз муносабатини билдириб ўтган эди. Бундан ташқари, Бурхониддин Марғинойий ҳуқуқий масалалар бўйича ёзилган ихтилофи китобларни солиштириб, энг тўғри ва маъқул, ҳаётий ҳулосаларини чиқарди.

Марғилондан етишиб чиққан фикшуносларнинг яна бири XIV асрда вафот этган Абдулазиз ибн Жаъфар Марғинойийдир. XII асрда яшаган бир улкан алломанинг номи Абу Бакр Марғинойийдир. Бошқа мўтабар маъзаҳларда Абу Ҳафс Низомиддин Умар Марғинойий, Абул Махосин Абдулазиз Марғинойийларнинг

дан, Абу Фаррос Фасоний ўзининг «Фавоидул баҳия» китобида унинг Имодулдин, Низомуддин ва Жамолуддин номли уч ўғли бўлганлиги маълум қилинади. Бу ўғилнинг бири ҳам фихқ илмини отасидан ўрганиб, шарият бўйича катта китоблар ёзганлар. Жумладан, олимнинг катта ўғли Имодулдин «Одобул қозим», Низомуддин эса «Жавохирул фихқ» номли китоблар ёзган маълум.

Амир Темури ҳақида ёзилган «Ал-аҳойиб ад-мақдур фи ахбори Темури» асариди Бурхониддиннинг бир неча набиралари бўлиб, улар ҳам Марғилонда яшавчи, фихқ, муҳаддис, муфассирлик илмлари бўйича тадқиқот ёганлиги қайд этилади.

Бурхониддин Марғинойийнинг учала ўғли ҳам отасидан кейин турли жойларда шайхулисломлик ва зифаларида ишлаганлар. Уларнинг шахраи силсилалари теуирийлар даврида ҳам давом этиб, шайхулисломлик ва зифасини бошқариб турганлар. Бу ҳақда «Самарқандлик буюқ аълумалар» китобида ҳам баъзи маълумотлар учрайди.

Бурхониддин Марғинойий биргина «Хидоя» китоби билан машхур бўлиб қолмай, шарият қонунарига оид бошқа бир қатор китобларнинг ҳам муаллифи дур. У бир қанча қўланма ва тавсия китобларини яратган. Масалан, «Маънабинг тарқалиши», «Ҳаж маросимлари», «Мерос ҳуқуқи», «Илми орттирувчи манбалар», «Бошловчи ва битирувчилар учун дастлабки ва тугал таълим» каби тадқиқотларни ҳам яратган. Бирок бу китоблар тўлиқ ҳолда бизгача етиб келмаган. Алломанинг

Гамильтон уни инглизчага ўйрган эди. 1893 йилда эса бу асар рус олими Н. Гредиков томонидан 4 жилдик қилиб русчага таржима қилинган.

Марғинойийларнинг ханафий маъзаби бўйича тарқатган фаволаи бутун Шарқ мамлакатлари бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, бу ерларда яшаган ҳукмдорлар ҳам «Хидоя» китоби ҳақида мукамал маълумотларга эга бўлган. Фирқимиз исботи учун хинд исломшуноси Азиз Аҳмад «Хиндистонда яшовчи мусулмонлар тарихи» ҳақида махсус асар ёзиб, ханафий маъзаби Хиндистон бўйича XIV асрларда Гибсиддин Тўлук давридаёқ шаклланиб улгурганини айтиди. Чунки, Гибсиддин Тўлук ҳамда унинг ўғли Муҳаммад Тўлуклар ҳам «Хидоя»ни жуда чуқур ўрганган, уни давлат тугимларида кенг тартиб қилишган.

Хинд дийерини XVI аср бошларида забт этган бобурийлардан Аврангзеб Оламғир ҳам 4 жилдан иборат ислом кодексини яратиб, унга «Хидоя»ни асос қилиб олган. Катта ҳажига эга бўлган бу асар кейинчалик XIX аср охириларида Лакнауда урдучага ўйрилиб, чоп этирилган. Бу китобнинг бир қанча форса вариантлари Ўзбекистонда ҳам сақланиб келинмоқда. Бобурий ўзи эса «Бобуронома»нинг бир саҳифасида Туркистондан чиққан алломалар орасига Бурхониддин Марғинойийни ҳам қўлади.

Марғилон кенгиларида жуда кўп саргондор бўлган шоҳ ва шоҳи Бурхонномада бу шахар ҳақида шундай деб ёзади: «Яна бир Марғинойид, Андижоннинг ғарбиди-

«Хидоя» асарига марғилонлик олимларгина эмас, балки бутун Шарқ уламолари турли йил ва саналарда эликдан ортиқ шарҳлар боғлаганлар. Бу шарҳларнинг энг афзали Мақсудхожа ибн Мансурхожа томонидан ўзбек тилига ўйрилган «Мажмаул мақсад» китоби бўлиб, у 1917 йилгача бир неча мартаба тошбошмада китобат қилинган.

«Мухтасарул виқоя» деб аталган иккинчи бир шарҳ 1994 йилда «Чўлпон» нашриётида нашр этилиб, ундан буёнги китобхоналаримиз ҳам фойдаланиб бўлиб келмоқдалар. Бурхониддин Марғинойийнинг «Хидоя» асарини турли давлат тилларига таржима қилинган. Абу Райхон Беруний номидида Шарқшунослик институти хазинасида XVIII-XIX асрлар оралиғида таржима қилиниб кўчирилган кўлёмалар аначина. Жумладан, бу асарни хинд олими Яхё Бахорий 1808 йилда арабчадан форсчага таржима қилган бўлса, ундан олдинроқ 1791 йили инглиз шарқшуноси

дур. Андижондан етти йиғоч йўлдур. Яхши қасаба воқеъ бўлур. Бир жинс анор бўлибтур, пурнеъ-мат. Анори ўрғи асру кўп ва ҳуб бўлур, «донои калон» дерлар, чуб-чуқлиғида зардолу майхушлугидин андак чошни бор. Симнон анориға таржих қилса бўлур. Яна бир жинс ўрик бўлурким, данагини олиб, ичига мағз солиб қуртурлар, «суб-хоний» дерлар, бисёр лазиздур. Ови куши яхшидур, ок кийик ёвуқта бўлур. Эли сартдур ва муштзан ва пушару шўр элду. Жангарлик расми Мовароуннахрда шойиъдур. Самарқанд, Бухорода номдор жангарилар ақсар Марғинойийдур. «Сохиби Хидоя» Марғинойий Роишонд отлиғ кентидандур».

Бобур тилга олган Рошидон Бурхониддин кўз очиб кўрган жонажон қишлоғидир. Шу боисдан ҳам унинг нисбасида Рошидон Марғинойий тахаллусидан олдин келди. Улуғ алломанинг «Хидоя»си ислом шариятлари бўйича бир неча мусулмон мамлакатларида асосий қўланма бўлган. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам то 30-йилларгача шарият қозилиги бекор қилиниб, суд тизими жорий қилингунча амалиётда қўлланиб келинган. «Хидоя» асари, жумладан, Қоҳирада, Афғонистон ва Хиндистондаги дорулфунунларда талабалар дастурига киритилиб, хануз ўқитилиб келинмоқда. Шу боисдан ҳам бу китобга тарихда жуда кўп шарҳлар битилган. Урта асрда ўтган Ал-Ҳаддод номи билан машхур бўлган олим шундай дейди: «Мусулмонлар ўртасида машхур бўлган Муқаддас Мусхаф барча динларни қанчалик эътиборсиз қолдиргандай бўлса, «Хидоя» ҳам фихқ илми бўйича ёзилган барча китобларни ортда қолдириб кетди». «Хидоя»га шарҳлар ёзиб, унинг ҳошияларига янги фикрлар тиркаган Абдулҳай Лакнавий Бурхониддин Марғинойийнинг китобини шундай изоҳлаган: «Мен «Хидоя»ни, унинг шарҳларини ва «Мухторобун навозил» билан ўқиб чиқдим. У ёзган «Хидоя» мақбул ва ишонарлидир».

Бу асар ҳақида айтилган қатор фикрлар шунки кўрсатадики, ҳуқуқшунос, муҳаддис, муфассир, барча фани улаштириб, ўрганган иқтидорли устод, зоҳид, муттақий, маҳорат ва фазилатлар эгаси, илму адабда мисли қирилмаган адиб, шоир, илмул хилоф ва маъзаб соҳалари бўйича юксак салоҳиятга эга бўлган Бурхониддин Марғинойий ислом оламида жуда катта из қолдирган. У VIII асрдан буён дунё ҳуқуқшунослари эътиборига тушган алломанинг Марғилон шахрининг 2000 минг йиллиги туйи арафасида бу ўлкада етишиб чиққан алломаларнинг номини, асарларини деб этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Махмуд НАЗАРОВ, филология фанлари номзоди

Умид юлдузлари

ди. Менда, айниқса, ёшлар, тўғрироғи, юқори синф ўқувчиларининг беллашувлари катта таассурот қолдирди. Хусусан, улар орасида шарқона яқма-яқка курашининг тенгсиз намойиши саналган каратэга қизлар ҳам ихлос қўётганликлари кўплар қатори менда ҳам ифтихор туйғуларини уйғотди. Гулбахор Дадабоевнинг ҳақдон ҳаракатларини, кўз илғаб-илғамайдиган, яшин тазлиғидидаги услубларини кўриб маҳаллий қизларимиз орасидан ҳам шундай мохир спортчилар етишиб чиқётганликларидан бошим осмонга етди ўшанда: — Оёқлари остига пружина қўйилганидек сакрайди-як, — деган сўзлар оғзимдан беихтиёр чиқиб кетганди. Мени муСОБАҚАГА етаклаб борган Аюбхон Ташобев нигоҳини татамидан узмаган ҳолда: — Гулбахор энг умидли каратэчи қизларимиздан, келажаги порлоқ, Хали шитиб қоласиз у эришган ютуқларни, — дея жавоб қайтарганди. Ана шундан бери Г. Дадабоева татамида қанчадан-қанча «жангларни ўтказмади дейсиз. Марказий Осий ва Осий мамлакатларида бўлиб ўтган беллашувлар унга шухрат келтирди. Тинимсиз машқлар, каратэ усуллари тибора тақомиллаштириб бораётганлиги бесамар кетмади. Бугунги кунда Гулбахор Дадабоева Ўзбекистон ҳамда Осий китъасининг беш қарра чемпионидир.

Гулбахор

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

Каршида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жағғармалари ташаббуси билан хайрия акцияси ўтказилди. Жорий йилнинг баҳоридида ҳам жағғарма фаоллари Қашқадарёда бўлиб, вилоятнинг энг чека ва тоғли худудларида бири Дехқонобод туманидаги Бошқорбоғ қишлоқ врачлик пунктига тез тиббий хизмат автомашинаси ва дори-дармонлар ҳад қилган эди. Айни пайтда ушбу шифо маскани аҳолига намунавий тиббий хизмат кўрсатмоқда. Яқинда яна бир эзгу ишга қўл урилди. Жағғарма вакиллари Қарши шаҳридаги Нодирабегим номи вилоят 2-ихтисослаштирилган мактабга тарбия ва умумтаълим интэрнати янги ўқув биносининг очилишида иштирок этиб, билми масканига катта миқдорда замонавий ўқув жиҳозлари — парта, стол-стул, ёзув тахталари, махсус лаборато-